

7«12»2022 yil.

1413-7-99-TB/2022-son

PUDRAT SHARTNOMASI

Бундан буён “БУЮРТМАЧИ” деб аталувчи Нуробод тумани Тиббиёт бирлашмаси номидан А.Абиев бир томондан ва бундан буён “ПУДРАТЧИ” деб аталувчи “NUROBOD YULLOVCHI TAMIR” мчж., номидан Х.Нарзиев ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар

1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Ушбу шартнома бўйича “Буюртмачи” пудрат ишларини қабул қилиш ва тўлаш, “Пудратчи” эса буюрмачининг буюртмаси бўйича қуйидаги пудрат ишларини бажариш мажбуриятини олади:

№	Ишнинг номи	Шартноманинг умумий қиймати ҚҚС билан (битим суммаси)
1	01.12.2022-йилдаги №196633-сонли лотга асосан Тиббиёт бирлашмага қарашли Чункаймиш қишлоқ тиббиёт пунктини жорий таъмирлаш	342500000
	Жами:	

1.1. Шартноманинг умумий суммаси **342 500 000 (Уч юз қирқ икки миллион беш юз минг) сўми** ташкил қилади

1.2. Ишни бошлаш ва топшириш муддати: «05»декабр,2022 й. Тугаши: «25»декабр 2022 й.

Батафсил баёни

1	Нуксон далолатнома, смета хужжатларига асосан Чункаймиш қишлоқ тиббиёт пунктини жорий таъмирлаш
---	---

Алоҳида шартлар

1	Бажариладиган ишлари сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилиши шарт, бажарилган иш мутахасислар томонидан текшириб олинади
---	--

2. ХИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

2.1. “Буюртмачи” мазкур шартномани ғазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан бошлаб 5 банк иш куни ичида қонунчиликка мувофиқ, шартнома умумий суммасидан 30% миқдорида (шартнома суммасидан 30% миқдорида) олдиндан тўлаш мажбуриятини олади, қолган 70%ни жорий таъмирлаш ишлари бажарилгандан сўнг 10 банк иш куни ичида қабул қилиш-топшириш далолатномаси, бажарилган ишлар далолатномаси Форма-2 асосида тўлайди.

2.2. Шартнома нархи электрон савдо натижаси бўйича белгиланади ва ўзгартирилмайди, Шартномага қўшимча келишув тузиладиган ҳоллар бундан мустасно.

2.3. Ишлар якунлангандан кейин “Хизмат курсатувчи”, “Буюртмачига” бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатномани тақдим этади.

2.4. “Буюртмачи” далолатнома ва унга илова қилинган бошқа хужжатларни олгандан кейин 10 банк иш куни ичида имзоланган далолатномани ёки ишларни қабул қилишни асосли равишда рад қилиш хатини “Хизмат курсатувчи”га юбориш мажбуриятини олади.

2.5. Рад қилинган ҳолатда, ишларни қабул қилишни асосли равишда рад қилиниши юзасидан камчиликларни бартараф этиш рўйхати ва муддати бўйича томонлар ўртасида далолатнома тузилади.

3. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

3.1. Мазкур шартнома белгиланган тартибда шартнома талаблари ва шартларига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ижро этилиши шарт.

3.2. Шартнома шартларини бажарилишини бир томонлама рад қилиш ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

3.3. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг ижроси таъминланган тақдирда Шартнома бажарилган ҳисобланади.

3.4. Буюртмачининг розилиги билан пудрат ишлари муддатидан олдин бажарилиши мумкин.

3.5. Хизмат ишлари бевосита Буюртмачининг маъсул ходимлари томонидан ишлар ҳажми ва уларнинг сифати кўрсатиладиган далолатнома бўйича қабул қилинади.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ

4.1. Буюртмачи;

- савдоларни ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги

- савдолар ғолиби бўлган етказиб берувчи билан шартнома тузиш ёки савдолар ғолиби бўлган етказиб берувчи билан Шартнома тузишни рад этиш муддатига риоя этилиши (ажратилган бюджет маблағлари камайиши ҳолатлари бундан мустасно);

- томонлар ўртасидаги Шартнома мажбуриятларини бажариш тугаллангандан кейин беш йил мобайнида савдолар предмети бўйича эълонлар ва техник ҳужжатларнинг асл нусхалари сақланиши учун жавоб беради.

4.2. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва “ишлар” бажариш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ бажармаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишдан озод этмайди.

4.3. Тўлов талабномаси акцептини асоссиз равишда бутунлай ёки қисман рад этганлик, шунингдек ҳисоб-китобнинг бошқа шаклларида товарлар ҳақини тўлашдан бош тортганлик (банк муассасасига тўлов топшириқномасини тақдим этмаганлик, чек бермаганлик, аккредитивни тақдим этмаганлик ва ҳоказо) учун буюрмачи хизмат курсатувчига ўзи тўлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

4.4. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи хизмат курсатувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

4.5. Хизмат курсатувчи:

- савдоларда қатнашиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилиги;

- миқдор, сифат, техник параметрлар, шунингдек тақдиф этилаётган товарларни етказиб бериш муддатлари ва жойи бўйича етказиб берувчи буюртманомалари шартларининг буюртмачи буюртманомаларида назарда тутилган шартларга мувофиқлиги;

- савдолар шартларининг бошқа бузилишлари;

- тузилган шартнома шартларининг бажарилмаганлиги учун жавоб беради.

4.6. Агар бажарилган ишлар сифати, стандартлар, техник шартлар, қонун ҳужжатларида ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, буюртмачи қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, пудратчидан сифати лозим даражада бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар ишлар ҳақи тўлаб

қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати лозим даражада бўлмаган ишлар бажарганлик учун жарима етказиб берувчидан акцептсиз тартибда ундириб олинади.

5. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

5.1. Келишмовчиликлар ва бахслар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

5.2. Томонлар келишмовчилик ва бахсларни ҳал этишнинг имкони бўлмаганда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ бевосита иқтисодий судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.3. Томонлар иқтисодий судига мурожаат қилган тақдирда, суд иши даъвогар жойлашган манзилдаги иқтисодий судида кўриб чиқилади.

6. ФОРС-МАЖОР

6.1. Форс-мажор натижасида мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 февридаги 63-сонли "Енгиб бўлмас куч (форс-мажор) ҳолатларининг мавжудлигини тасдиқлаш механизмини киритиш тўғрисида"ги қарорида кўзда тутилган шартларда томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни қисман ёки тўлиқ бажарилишидан озод этилади.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Ушбу шартномада томонларнинг кўзда тутилмаган ўзаро муносабатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан тартибга солинади.

7.2. Мазкур шартномага 1-сонли спецификация илова қилинади ҳамда шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади.

8. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

8.1. Ушбу шартномалар ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифода қилади ва қарантилла қилади.

8.2. "Буюртмачи" "Пудратчи"га мазкур шартнома доирасида қўйиладиганларни қарантилла қилади ва қўйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади. Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмолчи манфатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, "Пудратчи"нинг коррупция қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

8.3. Томонлар, уларнинг қарантилла қилган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлар, ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришларини давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ёки беришни ваъда қилиш, таъмағирлик пора олиш бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-ҳаракатлари ҳаракатсизликлари содир этилмайди. -Томонлар, уларнинг қарантилла қилган (ўзаро боғланган) шахслар ва ходимлари бошқа томонларнинг ходимлари ёки ваколатланган вакиллари қандайдур тарзда рағбатлантириш ишдан, шу жумладан пул суммалари, совғалари тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматлари беғараз кўрсатиш ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи томон фойдасига қандайдир хатти-ҳаракатлари ҳаракатсизликлари бажарилиши таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

8.4. Бандидаги талабларни бузиш содир этилганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли томон бу ҳақида иккинчи томонни хабардор қилиш.

8.5. Коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактнинг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса

амалдаги конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органлари ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

9. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Мазкур шартнома ғазначилик бўлинмаларида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 й. “31” декабригача амал қилади.

9.2. Шартноманинг амал қилиши бир томоннинг ташаббусига кўра ой (бир) давомида бошқа томонга ёзма ариза топширган кундан бошлаб, барча ўзаро ҳисоб-китоблар тугаганлиги муддатидан аввал тўхтатилиши мумкин. Томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган ҳолларда Шартнома бажарилган ҳисобланади.

9.3. Шартноманинг амал қилиш муддатини тугаши томонларни жавобгарликдан озод қилмайди

10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Ижрочи»

“NUROBOD YULLOVCHI TAMIR” мчж

«Буюртмачи»

Нуробод туман Тиббиёт бирлашмаси

Манзил: Нуробод туман Мустақиллик кўчаси

Манзил Самарканд вил. Нуробод тумани

Тел./факс 93-233-59-00

х/в 20208000504854742001

Банк номи: Нуробод АТ «Халқ банк» Нуробод филиали

Тел.факс 66-240-22-00

х/в 100022860182357072130054040

Банк номи: Марказий Банк ХКММ Тошкент ш.

МФО: 00740 СТИР 301616584

ОКОНХ:

МФО: 00014 СТИР 200777809

ОКОНХ 91511

Рахбар

Х.Нарзиев

Рахбар

А.Я.Абиев



	Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	ABDULLA ABIYEV YAVKOCHOVICH
	Imzolangan sana	07.12.2022 13:24
	Hujjat kodi	SG3353422685
	Hulosa kodi	CC7551108716

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUIJATLARNING QONUN
HUIJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

CC7551108716

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Joriy ta'mir Chunuyaymish**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: NUROBOD
TUMAN TIBBIYOT BIRLASHMASI tomonidan 07.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi hamda "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi tugristida"gi Qonuniga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Nurobod tuman
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:**



SH.SH.SHOROPOV

07.12.2022